

ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ОРОЛБЎЙИ ХАЛҚАРО ИННОВАЦИЯ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КЕНГАШИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ПРИАРАЛЬЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ПАРТИЯ УЗБЕКИСТАНА ПАРТИЙНАЯ
ОРГАНИЗАЦИЯ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

СОЮЗ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА
КАРАКАЛПАКСКОГО РЕСПУБЛИКАНСКОГО СОВЕТА

НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ ТОШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА

“ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИНГ КЕЛАЖАГИ”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АМАЛИЙ ОНЛАЙН
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

СБОРНИК
“БУДУЩЕЕ ПРИАРАЛЬСКОГО РЕГИОН”
РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН
КОНФЕРЕНЦИИ



2021-ЙИЛ 15-АПРЕЛ

САРМИЧСОЙ БУЛОҚ ВА ЧАШМАЛАРИ СУВ ЭКОТИЗИМЛАРИ МОЛЛЮСКАЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИК ГУРУХЛАРИ БОЙМУРОДОВ Х., ЖАЛИЛОВ Ф., МИРЗАМУРОДОВ О., ХАСАНОВ Н, ТЎЙНАЗАРОВА И, СУЯРОВ С, ЖАББОРОВА Т, ТУРЕХАНОВ Ф	41
АРНАСОЙ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ СУВ ЭКОТИЗИМЛАРИ МОЛЛЮСКАЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИК ГУРУХЛАРИ БОЙМУРОДОВ Х, ЖАЛИЛОВ Ф., ХАСАНОВ Н, ТЎЙНАЗАРОВА И, СУЯРОВ С, ЖАББОРОВА Т, ШОДМОНОВ Ф	44
АМАРАНТ ЎСИМЛИГИНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ ХАМДА ҚЎЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ САИДГАНИЕВА Ш	47
ҚАРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА МУЛЬЧАЛАШ УСУЛЛАРИНИ САБЗАВОТ (ШИРИН) МАККАЖЎХОРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ САПАРНИЯЗОВ И, САНАЕВ С	50
BALA ORGANIZMININ' O'SIWI HA'M RAWAJLANIWINDA VITAMINLERDIN' A'HMIIETI. SOBIROVA B	55
ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОБИРОВА Б	59
ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИ ИХТИОФАУНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ СОБИРОВ Б	62
БАЛИҚЧИЛИКДА СУВ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ СУЛАЙМОНОВ Ш	64

Сармичсой булоқ ва чашмалари сув экотизимлари моллюскалари фаунаси ва экологик гуруҳлари

Боймуродов Х., Жалилов Ф., Мирзамуродов О., Хасанов Н., Тўйназарова И.,
Суяров С., Жабборова Т., Туреханов Ф.
E.mail: Boymurodov1971@mail.ru

Мавзунинг долзарблиги. Сармичсой булоқ ва чашмалари сув экотизимлари моллюскалар фаунаси биохилма – хиллиги, турларнинг тарқалиши ва экологик гуруҳларини ўрганиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Ўрганилиш тарихи ва тадқиқот методологияси. В.И.Жадин (1950, 1952), Я.И.Старобогатов (1970), З.И.Иззатуллаев, Я.И.Старобогатов (1985) ларнинг ишларида Ўрта Осиё сувларидаги моллюскалар ва уларнинг зоогеографияси ҳақида асосий фикрлар баён этилган [1,2,5]. Ҳазирги кунгача Сармичсой булоқ ва чашмалари моллюскалар тарқалишига сувдаги абиотик омиллар таъсири махсус ўрганилмаган.

Сув экотизимларидан жами 121 та намуналар ўрганилиб, моллюскалар 127 донани ташкил этди. Сармичсой ва унинг атрофидаги 6 та булоқ ва чашмалардан материаллар териб ўрганилди.

Мазкур моллюска намуналари йирик систематик ишлар, аниқлагичларда Старобогатов, Иззатуллаев, 1984, Рижинашвили, 2005, Иззатуллаев, Боймуродов, 2010, Боймуродов, 2018 келтирилган услублар билан ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Булоқ ва чашмалар сув экотизимларида тарқалган моллюскаларнинг тарқалиши ва ривожланишига ташқи муҳит омиллари хусусан сувдаги абиотик омиллар комплекс тарзда таъсир этади. Абиотик, биотик ва антропоген омиллар ёруғлик, ҳарорат, тиниклик, чуқурлиги, сув миқдорининг ўзгариши, биоген элементлар, минерализация, саноат ва коммунал-маиший хизматлар оқова сувлари таркиби ва бошқалар икки паллали моллюскалар сув экотизимларида тарқалиши ва экологик гуруҳларининг ҳосил бўлишида ўз таъсирини курсатади.

Сармичсой булоқ ва чашмалари – Зарафшон дарёси соҳилида жойлашган бўлиб, сойнинг узунлиги 38 км. Соё сув йиғадиган майдони 36,8 км², йиллик ўртача сув сарфи 0,062 секундига кубаметр ҳисобида. Соё сувлари Зарафшон дарёсига етиб келмайди [3,4]. Сармичсой булоқ ва чашмалари моллюскалари шу вақтгача тўлиқ махсус ўрганилмаган.

Сойда моллюскаларнинг 12 тур моллюскалар тарқалган. Булоқ ва чашмалар сув режими гидробионтлар тарқалишига ўз таъсирини кўрсатади.

Булоқ ва чашмалар сув режими даврларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб улар бир-бирларидан давом этиш вақти тўйиниш манбалари, ҳар бир тўйиниш манбаининг булоқлар ва чашмалар оқимиغا қўшадиган улушларининг турличалиги билан фарқ қилади.

Сой булоқ ва чашмаларида ва улардан оқиб чиқадиган ариқларда Euglesidae оиласи *Euglesia* уруғидан *Euglesa heldreichi* 1,5, *Euglesa obliquata* 1,2, Pisididae оиласидан *Kuiperipisidium terekense* 1,6 ва *Kuiperipisidium behningi* 2,2 тадан тарқалган биатоплари учрайди. Булоқ сувлари тушадиган ариқларда эса Belgrandiellidae оиласи *Martensamnicola* уруғидан *Martensamnicola brevicula* 1,7, *M.hissarica* 2,3, *Bucharamnicola bucharica* 2,3, Lymnaeidae оиласидан *Lymnaea thiessea* 3,1, *L. truncatula* 2,3, *L. subangulata* 1,3, Physidae оиласидан *Costatella acuta* ва Planorbidae оиласидан эса *Planorbis planorbis* 2,3 тарқалган. Сой булоқ ва чашмаларида гидробионтлар тарқалишига йил фасллари бўйича сув сатҳининг ўзгариши максимал даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Хулоса Сармичсой булоқ ва чашмаларида тарқалган моллюскаларнинг экологик гуруҳларини таҳлил қилганимизда сойда моллюскаларнинг 6 та экологик гуруҳга мансуб турлари учрайди: пелореофил 1 тур 8 % (*Euglesa heldreichi*), пелолимнофилларнинг 1 тури 8 % (*Euglesa obliquata*), кренофиллар 5 та тур 42% (*Kuiperipisidium terekense*, *K. behningi*, *Martensamnicola brevicula*, *M.hissarica*, *Bucharamnicola bucharica*), мадикол 2 тур 17 % (*Lymnaea thiessea*, *L. subangulata*), тельматофил 1 тур 8 % (*Lymnaea truncatula*) ва фитореофил 2 тур 17 % (*Costatella acuta*, *Planorbis planorbis*) лар тарқалганлигини аниқладик.

Адабиётлар

1. Son M.O. Mollusks invaders in the fresh and brackish waters of the Northern Black Sea. – Odessa, 2007. – page 132.
2. Popa O. P. New records of *Sinanodonta woodiana* (Lea, 1834) (Mollusca: Bivalvia: Unionidae) from Eastern Romania // Aquatic Invasions –2007.–Vol.2. – Issue 3. – P. 265–267.
3. Boymurodov Kh.T. The degree of content of natural radionuclides in mollusks // Uzbek Biological journal. –Tashkent, 2011. –№5. –pages 41-42.
4. Boymurodov Kh.T. Biodiversity, ecosystems, biodiversity of bivalve mollusc fauna in Amudarya share river reservoirs // Uzbek Biological journal.– Тошкент, 2013. –№ 4. – pages 38-41.
5. Иззатуллаев З.И. Интродуцированные виды пресноводных и солоноватоводных моллюсков фауны Средней Азии // Моллюски. Итоги и перспективы их изучения. Сб.8.-Л.: Наука, 1987. С.256-257.

